

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

“Smart bank” акциядорлик жамияти
Ягона акциядори қарори билан

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

“Leader Finance” МЧЖ

Бош директор в.б.

Ж. Хайдаров

Вазир ўринбосари

Г. Раҳимова

2023 йил «21» июл -сон 07/1 -сон 2023 йил «18» август 40967-2 -сон

М.Ў.

“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР
ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	2	P	0	9	6	7	R	7
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 100 000 000 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши иккинчи чиқарилишдир.

“Smart bank” акциядорлик жамияти Ягона акциядорнинг 2023 йил «21» июл даги 07/1 -сонли қарори билан акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

“Smart bank” акциядорлик жамияти Ягона акциядорнинг 2023 йил «21» июл даги 07/1 -сонли қарори билан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.


Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 2А-уй, тел.: +998 97 773-70-20, электрон почта манзили: office@banksmart.uz

Эмитентнинг раҳбари:

А.Ш. Тўраев

Бош бухгалтер:

О.Т. Утамуротов



2023 йил «21» июл

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 (бир минг) сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 100 000 000 (Бир юз миллион) дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 100 000 000 000 (Бир юз миллиард) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Жамият акциядори куйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Банк уставидa ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга чеклашлар мавжуд эмас. Ушбу чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан “Smart bank” АЖ Ягона акциядори “Leader Finance” МЧЖга жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 100 000 000 000 (Бир юз миллиард) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 100 000 000 (Бир юз миллион) дона оддий акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар “Smart bank” АЖ Ягона акциядори - “Leader Finance” МЧЖга ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 (бир) йил муддат ичида жойлаштирилади.

Жойлаштиришни бошланги санаси: мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

Жойлаштиришни тугаи санаси: ушбу чиқарилишнинг охирги акция жойлаштирилган куни ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди битимни рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.

Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат корхонаси.

Жойлашган жойи (почта манзили): 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107. Тел.: 71 267-37-42.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш инвестиция воситачиси “Leader Finance Capital” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилади.

Жойлашган жойи (Почта манзили): 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор-3 мавзеси, 74-уй. Тел.: 99 444-53-53.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Қўшимча чиқарилаётган акциялар 1 000 сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларга тўлов “Smart bank” АЖнинг банк ҳисоб рақамига миллий валютада нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш йўли орқали амалга амалга оширилади.

Банк реквизитлари: “Smart bank” АЖ ҳисоб рақами: 29830007000001199001, МФО: 01199, СТИР: 310123822.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда 10 кун ичида қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (openinfo.uz) ва жамият расмий веб-сайтида (www.smartbank.uz) эълон қилинади. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асли билан Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 2А-уй манзилда танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.

Рақамланган ва тикилган
варақлар сони 3 (уч)

Рахбар

А. Тўраев

Бониструктор

О. Утамурагов

